

Ishonch

2020 йил 17 март • сешанба • № 37 (4322)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортидан Президентимизнинг алоҳида кўрсатмасига мувофиқ коронавируснинг олдини олиш чора-тадбирларига кўмаклашиш мақсадида Эрон Ислон Республикасига инсонпарварлик ёрдами юборилди.



Вазирлар Мақамасининг «2020-2022 йилларда Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Вазирлар Мақамасининг «2020-2022 йилларда Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Вазирлар Мақамасининг «2020-2022 йилларда Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Вазирлар Мақамасининг «2020-2022 йилларда Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Вазирлар Мақамасининг «Термиз» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Генерал-майор Рустам Жўраев Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони лавозимини эгаллади.

Шухратжон Собиров Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди.

Полковник Азиз Топшўлатов Ички ишлар вазири ўринбосари – Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи лавозимига тайинланди.

Сахи Аннакиличев «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бошқаруви раиси этиб тайинланди.

Сурхондарё вилояти ҳоқими Тўра Боболов Термиз шаҳри ва туманлардаги марказий деҳқон бозорларида бўлиб, нарх-навои асосиз ошириш ҳолатларига қарши кўрилатган чора-тадбирлар билан танишди.



Жиззахда ташкил этилган пресстурда оммавий ахборот воситалари вакиллари «Ўзмиллийбанк» АЖ Жиззах вилояти филиали фаолияти ҳамда банк томонидан молиялаштирилган лойиҳалар билан яқиндан танишди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Коронавирус: ВАҲИМАГА БЕРИЛМАНГ, ХАВОТИРГА ҲОЖАТ ЙЎҚ



Фарғона вилояти
Ўтган йилнинг ёз ойларида бу аёлнинг номи Фарғонанинг Риштон туманида тез-тез тилга олинди. Давраларда у ҳақда кўп ва ҳўб сўзлашди. Ёши кекса-ю улуғлар дуо қилди.



Замонамиз қаҳрамонлари

Қалбда бир олам шижоат билан

Хўш, Израбу Усмонова ким? Бу гап-сўзлар ортида нима бор эди? Гап шундаки, 55 ёшли тadbirkor Израбу Усмонова муборак Ҳаж зиёратига бориш учун атаган маблағини уйи бузилган 60 та оилага ёрдам сифатида ун ва ёғ сифатида беғараз улашди. «Унг қўл берганини чап қўл билмасин» деган ҳикматга ҳар қанча амал қилишга уринган бўлса-да, аммо элнинг оғзида гап турармиди? Бир зумда опанинг номи туман, сўнгра вилоят, кейин водий, сўнгра довон ошиб, бутун Ўзбекистонга ёйилди.

Израбу опа танти ва меҳнаткаш, жафокаш ўзбек аёли. У 2012 йилда «Халқ банки»нинг Риштон тумани филиалидан 50 миллион сўм кредит олиб, Хитойдан технология олиб келди ва туманда кичик пайпоқ цехи ташкил этиб, 15 нафар маҳалладошини иш билан таъминлади. Аини пайтда цехда бир йилда буюртмага қараб 100 мингдан 200 минг донагача пайпоқ ишлаб чиқарилмоқда. Опанинг яна бир тadbirkorлик йўналиши – чинни идишларга безак бериш. Олтмиш нафар хотин-қиз хонадонларда касаначилик асосида Израбу опа келтириб берадиган ярим тайёр чинниларга безак бериш билан машғул. Ушбу идишлар Тожикистонга экспорт қилинади. Ўтган йилда опа ўзлаштирилмаган тошлоқ ҳудуддан 5,5 гектар ерни обод қилишга

киришди. Израбу опа ишчилари ва фарзандлари билан ерга астойдил меҳр берди. Тошлоқ ерга узоқдан катта миқдорда тупроқ ташиб келтирилиб, ўрнида иссиқхона барпо этилди.

– Мен иссиқхонада ишчилар билан тенга-тенг меҳнат қилиб юрган оддий тadbirkor аёлман, – дейди Израбу опа. – Уч нафар ўғлим бор. Икки ўғлим ва келинларим ҳам ёнимда ўзимга ёрдамчи. Кичиги Исроилжон эса Фарғона давлат политехника институти талабаси.

Опа қиёфасида нафақат меҳнаткаш аёл сиймосини, балки атрофдан камчилик эмас, имконият қидириб яшаётган ва жамиятда яхшилик амалини авлодларга етказишга беминнат ҳисса қўшаётган самимий инсон, куюнчак аёл тимсоли мужассамлашган.

Израбу опа шу йил 8 март байрами арафасида Президентимиз фармони билан «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Бу унинг меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

– Давлатимиз раҳбарининг «Раҳмат сизга! Сизга ўхшаган аёллар бизга керак. Оллоҳ сизга янада куч-қувват берсин!» дея айтган сўзлари мен учун энг катта совға бўлди, – дейди опа. – Бу эътибордан чексиз руҳландим, келгусида янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга қалбимда бир олам шижоат туйдим.

Зебо НАМОЗОВА, «ISHONCH»

Бухоро вилояти | Акс-садо

«Ishonch» газетасининг шу йил 21 январдаги сониди чоп этилган «Келажак устуни» сарлавҳали мақолани ўқиб, менинг ҳам दिलимда бир қанча фикрлар уйғонди.

Ўқитувчи ўрнак бўлиши керак

Тарбия яхши бўлмаган илм даргоҳида таълим самара бермайди. Юксак маънавиятли ёшлар тарбиялаш учун юксак маданиятни тарғиб қилиш зарур. Ҳар бир ўқувчига тартиб-интизом, одоб-ахлоқ, кийиниш, нутқ маданиятини, жамоат жойида ўзини туттиш, катталарни ҳурмат-кичикларни иззат қилишни болаликдан сингдириш жуда муҳим. Ўқувчи ёшларни ўз юрти, она тилига садоқатли бўлишига, соф адабий тилда сўзлашув маданиятига ўргатишимиз шарт. Ўқитувчилар эса ҳар мана жабҳада ўқувчиларга ҳар томонлама ўрнак бўлиши керак, албатта.

36 йилдирки, Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келяпман. Тажрибамдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, мактабда тарбия ҳам биринчи ўринда турмоғи лозим. Буни ҳар бир педагог ҳис қилиши керак.

Ибодулла КАРИМОВ, педагог

Хабар

ХИСБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ ҲАМДА ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ МУҲОКАМАСИ ВАКТИНЧА ТЎХТАТИЛАДИ

Мамалякимизда коронавирнинг кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида кўрилатган чора-тадбирларга мувофиқ, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимдаги барча бошланғич қасаба уюшма ташкилотларида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 1 апрелига қадар бошланғич қасаба уюшма ташкилотларида хисобот-сайлов ҳамда жамоа шартномаларининг йил якуни бўйича бажарилиши муҳокамасига бағишланган йиғилишлар вақтинча тўхтатилди ҳамда карантин қоидаларига қатъий амал қилиш бўйича тушунтириш ишлари ўтказилмоқда.

Ўз мухбиримиз



АҚШда коронавирусга қарши ишлаб чиқилган вакцинани синовдан ўтказиш жараёни бошланди.

Келгуси сонларда ўқин! >>>

МИНТАҚА БАҲОРИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг тизим ташаббуслари Марказий Осиё иқтисодий зонасида кўнгам нафасини олиб кирди

Самарқанд вилояти

Озорнинг бадали бор...

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номидаги шоҳқўчадаги дов-дарахтлардан шу атрофдаги тadbirkorлар имкон қадар «фойдаланиш»га интилишган. Биров миҳ, биров сим билан ўз фаолияти кўрсатқини дарахт кундасига жойлаштирган.

– Ҳар бир қўчада ўнлаб хусусий бизнес субъектлари фаолияти йўлга қўйилган. Улар сафи кундан-кунга кенгаймоқда, – дейди Самарқанд шаҳрининг Боғи майдон ҳудудида яшовчи Садриддин Аслидинов. – Қаерга борсангиз, тadbirkorларнинг фаолияти билан боғлиқ эълоннинг кўкариб турган дарахтларга илиб қўйилганига кўзингиз тушади. Бир дарахт кўкариб, улғайиб, соя бергунча неча сувлар оқиб кетади. Дарахт танасига озор етказиб, эълон илганнинг ўзи битта кўчат кўкартирганмикин? Кўпчилигининг қўлига челақ бериб, шу дарахтни оқлаб қўй десангиз, «тошингни тер», деган жавобни оласиз.

Оқсоқол ҳақ, Самарқанднинг хуснига «доғ» бўлиб тушаётган бундай иллатлардан қутулиш зарур.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»



ҲУКУМАТ ЭЛ ТАШВИШИДА

Жорий йилнинг 15 март куни юртимизда илк бор коронавирус аниқлангани хабар қилинди. Шу куни Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир Абдулла Арипов бошчилигида коронавирус мавзусига бағишланган брифинг ўтказилди. Учрашувда коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган эҳтиёт чоралар маълум қилинди.

Касаллик профилактикаси ва унинг кенг тарқалмаслиги учун мутасадди ташкилотларга тегишли топшириқлар берилди.

Эпидемияга қандай чек қўйишни биладиган мутахассислар бор



Алишер ШОДМОНОВ,
Соғлиқни сақлаш вазири:

– Барча вилоятларда юқори малакали, яъни ихтисослашган мутахассисларга эгамиз. Бундан ташқари, санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг вилоятларда коронавирус тарқалиши эпидемиясига қандай чек қўйиш кераклигини биладиган мутахассислари бор. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан биргаликда тайёргарлик жараёнларини ўрганиб чиқдик ҳамда шундан келиб чиққан ҳолда тегишли чораларни кўриб қўйдик. Вилоятлардаги ҳар битта шифохонада дезинфекция, индивидуал ҳимоя воситалари ва дори-дармонлар захираси яратилган ҳамда пухта тайёргарлик кўрилган.

Бозорлар ёпилмайди!

– Коронавирус туфайли озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги ҳақидаги ваҳима-лар асоссиз. Хориждан келадиган маҳсулотларга ҳеч қандай чеклов йўқ.

Нарх-наво ошишига нима-лар сабаб бўлади? Бу – ваҳима, кўркув. Эртага уйимда ҳеч нарса қолмайди, шунинг учун 6 ойлик, керак бўлса, айрим ҳолларда 1 йиллик, йўқ деганда 3 ойлик маҳсулотларни йиғиб қўйилик, деган ҳадик туфайли бозорда маҳсулотларнинг чиндан-да камайиб кетиши ҳеч гап эмас. Табиийки, шу тариқа нарх-наво ҳам ошиб боради.

Бош вазир йиғилишидан кейин шахсан ўзим 2 та катта тармоқ – Korzinka ва Makro раҳбарлари билан гаплашдим. Ҳақиқатда уларнинг бугунги

мониторинги дўконларда одам кўплигини кўрсатяпти. Айрим одамлар гуруч борми, мевасабзавот борми, гўшти – ҳаммасини олиш ҳаракатига тушишган. Бу – ваҳима касалидан бошқа нарса эмас.

Битта нарсани аниқ айтишим керак: эртага шу одамлар бозорга боради. Республика бўйича бирорта бозор ёпилмайди. Ҳаммаси қандай иш режимида ишлаётган бўлса, шу тахлит фаолият кўрсатишни давом эттиради.

Авваломбор, бозорларимизда маҳсулот мўл-кўл. Буни ҳамма билади. Бежизга бутун дунё бизга ҳавас қилмайди. Ана шу мўл-кўл маҳсулотлар турган жойда тақчиллик бўлиши мумкинми, ахир?! 5 литрлик ёғ бир оилага 3 ойга етади. Шундай



Бекзод МУСАЕВ,
Давлат солиқ қўмитаси раиси:

экан, ҳовлиқиб 5 та 5 литрлик ёғни олиб қўйишининг нима ке-ром этиради?

Иккала тизим раҳбари ҳам маҳсулотларимизнинг етарли даражадаги захирасига эга эканини айтди. Маҳсулот сотилишига қараб, пештоқларни тўлдириб борамиз. Ҳеч қандай муаммо бўлмайди, дейишди улар.

«Ўзбекизоқовқатхолдинг»: ЗАХИРАЛАР ЕТАРЛИ

Озиқ-овқат саноатида 12 мингдан зиёд корхона ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бугунги кунда ушбу корхоналар ўз режимида ишламоқда. Корхоналарнинг аксариятида иш 1 сменада ташкил этилган ва қувватларнинг 70 фоизидан фойдаланилмоқда. Уларда яна қўшимча 30 фоиз қувватни ишга солиш ва ишни 2 сменада йўлга қўйиш имконияти мавжуд.

Мамлакатимизда 98 фоиз озиқ-овқат маҳсулотлари маҳаллийлаштирилган. Деярли барча хомашё юртимизда етиштирилади. Четдан қакао ва қаҳва донлари, цитрус мевалар каби маҳсулотлар импорт қилинади, холос.

«Ўзбекизоқовқатхолдинг»
компанияси Ахборот хизмати

Транспорт вазирлиги: ЙЎЛКИРА НАРХЛАРИ НАЗОРАТДА

Транспорт вазирлигининг Тошкент шаҳар транспорт бошқармаси ва ИИБ ЙХХБ инспекторлари биргаликда Тошкент шаҳридан вилоятларга қатновчи таксиларда йўлқира нархларининг асоссиз равишда ошириб юборилишининг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини йўлга қўйди.

«Қўйлик» бозори яқинида жойлашган автотурагоҳда Тошкентдан водий вилоятларига йўналишсиз такси хизматини кўрсатувчи ҳайдовчилар ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишлари ўтка-

зилди. Бундан аввал ихтимойи тармоқларда айнан ушбу йўналишда қатновчи ҳайдовчилар йўлқира ҳақини 200000 сўмгача ошириб юборгани тўғрисида хабарлар тарқалган эди.

Ўрганишлар давомида айни дамда Тошкент-Фарғона йўналишида йўлқира ҳақи 50-60000, Тошкент-Қўқон йўналишида 40-50000, Тошкент-Наманган йўналишида 50-60000, Тошкент-Андижон йўналишида эса 70-80000 сўм атрофида экани маълум бўлди.

Транспорт вазирлиги Ахборот хизмати

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши: ВАҲИМАЛИ ХАБАРЛАРНИ ТАРҚАТИШ ШАРЪАН ҲАРОМДИР

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг коронавирус (COVID-19) инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича фатвоси қабул қилинди.

Унда қуйидаги қақир-риқлар бор:

1. Мамлакатда эпидемиологик вазият барқарорлашгунгача жума намозлари ўрнига уйда пешин намозини ўқисинлар. Беш вақт намозларини ҳам уйда адо этсинлар.
2. Жаноза намозлари вафот этганининг яқин қариндошлари иштирокида хонадонларда ўқилсин.
3. Масжидларда намоз вақтини билдириш учун азон ўз вақтида айтилсин.
4. Мўмин-мусулмонлар имкон қадар касаллик тарқалишининг олдини олишга ўз ҳиссаларини кўйсинлар.

5. Ҳар бир мусулмон ибодатлар ва дуоларда Аллоҳ талодан ушбу касалликни даф қилишни сўраб, ихлос билан илтижо қилишлари лозим.

6. Динимиз покликка буюрар экан, касалликнинг олдини олиш борасидаги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тавсия этилган кўрсатмаларга қатъий амал қилиш ҳар бир мусулмоннинг вазифасидир.

7. Карантин даврида масжидлар ва таҳоратхоналарда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тавсиялари асосида даврий дезинфекция ишлари ўтказилсин.

8. Бундай вазиятларда озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа зарур воситаларнинг нархини ошириш, суний равишда тақчилликни юзага келтириш ҳамда аҳоли ўртасида турли ваҳимали хабарларни тарқатиш шаръан ҳаромдир.

Кун ҳикмати

Ваҳиманинг ўзи
ярим касалликдир.
Хотиржамлик эса
ярим соғлиқдир.
Сабр эса шифонинг
бошланишидир!

Абу Али ибн Сино



Коронавирус: ВАҲИМАГА БЕРИЛМАНГ,

Таассуфки, юртимиз аҳли учун яна бир синовли дамлар бошланди. Дунёнинг деярли барча қитъасига (фақат Антарктидадан ташқари) кириб борган, шу вақтгача 6 минг нафардан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлган коронавирус аломатлари Ўзбекистонда ҳам аниқланди. Сўнги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда бундай беморлар сони 8 нафарни ташкил қилмоқда.

Ҳукумат барча чораларни кўрмоқда. Ташқи муҳитдан пайдо бўлиш эҳтимоли бўлган чегараларда назорат кучайтирилмоқда. 16 март кундан эътиборан жаҳоннинг барча мамлакатлари билан авиа ва автомобиль қатновлари тўхтатилди. Оммавий тадбирлар, шу жумладан, Наврўз байрами доирасидаги умумхалқ сайллари бекор қилинди. Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати тўхтатилди. Мамлакатдаги барча кинотеатрлар фаолияти вақтинча тўхтатиб турилади, концертлар қолдирилади.

ХАСТАЛИКДАН

Коронавирус, грипп ва шамоллаш белгиларининг фарқлари:

Белгилари	Коронавирус	Шамоллаш	Грипп
Ҳарорат ошиши	Тез-тез	Секин	Тез-тез
Чарчоқ	Баъзида	Баъзида	Тез-тез
Йўтал	Тез-тез (қуруқ)	Секин	Тез-тез (қуруқ)
Аксириш	Йўқ	Тез-тез	Йўқ
Бўғимлардаги оғриқ	Баъзида	Тез-тез	Тез-тез
Тумов	Камдан кам	Тез-тез	Баъзида
Томоқ оғриғи	Баъзида	Тез-тез	Баъзида
Ич кетиш	Камдан кам	Йўқ	Баъзида
Бош оғриғи	Баъзида	Камдан кам	Тез-тез
Нафас қисилиши	Баъзида	Йўқ	Йўқ

келиши. Сўнгра коронавирус одамларга илонлардан юққан деган тахминлар ҳам билдирилди.

Олимлар касалликдан сақланиш учун вакцина ёхуд аксилвирус препарат ишлаб чиқишга ҳаракат қилишмоқда. Чунки ушбу вируснинг заиф жиҳатлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

ТАРҚАЛИШ ҲУДУДИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

Жорий йилнинг 22 январидан бошлаб Ухан шаҳри карантин мақсадида ёпиб қўйилди. Барча жамоат транспортлари қатнови тўхтатилди. Шаҳарга кириш-чиқиш буткул тақиқланди. 24 январдан бошлаб Уханга яқин бўлган Хуанган, Эчжоу, Чибин ва Чжицзян шаҳарлари ҳам карантинга олинди. Хитой ҳукумати 14 шаҳарга кириш-чиқишни ёпиб қўйди. Бахтга қарши, ушбу ўлим ташувчи вирус Хитойнинг Тибетдан бошқа барча вилоят даражасидаги маъмурий ҳудудларида топилди.

ҚАЙ ДАРАЖАДА ЮКУМЛИ?

Хитой расмийлари вирус одамдан одамга ҳаво орқали ўтиш хусусиятига эга эканини тасдиқлашди. Беморларга хизмат кўрсатаётган касалхоналардаги бир қанча тиббиёт ходимларининг мазкур вирус билан касалланиб қолгани ҳам унинг

Мавзуга доир:

ДУНЁДА НИМА ГАПЛАР?

2020 йил 16 март ҳолатига кўра, бутун дунёдаги 140 га яқин давлатда коронавирус юқтирилганларнинг жами сони 175 769 нафарни ташкил қилмоқда, 77 868 киши соғайган, 6716 киши вафот этган (4 фоизга яқин).

Вирусдан энг кўп жабр чекаётган давлатлар:

- Хитой (80880 ҳолат, 3213 ўлим)
- Италия (24747, 1809)
- Эрон (14991, 853)
- Испания (9428, 335)
- Жанубий Корея (8236, 75)
- Германия (6924, 14)
- Франция (5423, 127)
- АҚШ (4060, 71)
- Швейцария (2221, 18)
- Буюк Британия (1543, 36)
- Нидерландия (1413, 24)
- Норвегия (1313, 3)
- Швеция (1103, 7)
- Бельгия (1058, 5)
- Австрия (1018, 3)
- Дания (914, 4)


Россия: жиддий кўрсаткичлар кузатилмоқда

Россияда сўнги бир кун ичида коронавирус юқтирилганлар сонида жиддий ўсish кузатилди ва айни вақтда беморлар сони 93 кишини ташкил қилмоқда. Бу ҳақда Бош вазир ўринбосари Татьяна Голикова маълум қилган.

Вирус Африкага ёйила бошлади

Сўнги маълумотларга кўра, Африканинг Бенин, Сомали, Танзания ва Либерия давлатларида ҳам коронавирусдан зарарланишининг илк ҳолатлари тасдиқланган.

Айни вақтда Африкада вирусдан энг кўп жабрланган давлат Миср бўлиб турибди – 150 кишида вирус аниқланган, 2 киши вафот этган.



Эркин МУСАЕВ,
Вирусология илмий
текшириш институти
директори:

Беморларнинг аҳволи қониқарли

– Ҳозирга қадар корона-вирус инфекцияси қайд этилган 6 нафар бемор клиника-мизга ётқизилган. Улар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига асосан бел-гиланган стандартлар асо-сида даволанмоқда. Бемор-лар шифокорлар томонидан кеча-ю кундуз тиббий назо-ратга олинган. Умумий аҳвол доимий кузатувда. Айни пайтда беморларимизнинг аҳволи қониқарли.



ХАВОТИРГА ХОЖАТ ЙЎҚ

Таълим муассасаларида таълим карантини бошланди. Давлат талабаларнинг қадрдон уйларига овозгарчиликларсиз етиб олишлари учун қулайликлар яратди. Қўшимча поезд ва авиарейслар қўйилди, шаҳарлараро қатнайдиған автобус йўналишлари 35 дан 70 гага кўпайтирилди. Аҳамиятлиси, ҳар бир талабага йўл чипталари 50 фоизлик чегирма билан сотилмоқда.

Коронавирус юртимизга ҳам етиб келди. Аммо бундан хавотирланиш, ваҳимага тушишга ҳожат йўқ. Халқимизнинг пурмаъно нақли бор: кўпга келган тўй. Давлатимиз барча чораларни кўрмоқда. Энг муҳими, иродамиз мустаҳкам бўлса, бас! Шунда бу синовларни барчамиз биргаликда енгиб ўтамиз. Қуйида барчамиз учун мавзуга доир муҳим маълумотларни келтиришга ҳаракат қилдик:

ҚАНДАЙ ХАЛОС БЎЛАМИЗ?

юқумли эканидан далолатдир.

Хитойлик мутахасссларнинг таъкидлашича, вируснинг инкубацион даври 2 кундан 12 кунгача бўлиши мумкин. У ўртача 7 кунни ташкил этади. Яъни, коронавирус инсонга юққандан кейин 2 кундан 12 кунгача ўз белгиларини ошқор қилмаслиги мумкин. Энг ёмони, бу вақтда ўз баданида мазкур вирусни ташувчи киши хасталанганини билмаган ҳолда мулоқотга киришган бошқа кишига юқтириши мумкин. Ундан ҳам ёмони, мазкур даврда ҳеч қандай тепловизорлар касаллик мавжудлигини аниқлашга қодир эмас.

Барча коронавируслар каби «2019-nCoV»нинг шикасти этказиш зоналари нафас йўллари, ўпка, юрак, ошқозон-ичак тракти, жигар, буйрақлар ва асаб тизими ҳисобланади. Касаллик симптомлари оддий шамоллаш кўринишида бошланиб, тезлик билан ривожланади ва ўткир респиратор касаллиги вужудга келади. Ўпка шикастланади ва инсоннинг ҳаётига хавф солувчи ўткир нафас олиш етишмовчилиги юзага келади.

ГРИППДАН ФАРҚИ НИМАДА?

Коронавирусларнинг оддий грипп вирусларидан фарқи шундаки, улар нафақат инсон, балки куш, мушук, ит, қорамол, туя, чўчқа ва куён каби ҳайвонларни ҳам шикастлайди. Вирус мазкур ҳайвонлар баданида генетик мутацияга йўлиққади. Бунинг натижасида унинг хавфлиги, кучлиги, ўткирлиги ва мураккаблиги бир неча баробар ортиб кетади.

Масалан, вирус юқиши натижасида пайдо бўлувчи ўпка яллиғланиши оддий ҳолатдагидан кўра кучлироқ ва ўткирроқ тарзда намён бўлади. Бундай вируслар муолажага осонликча «бўйин эгмаслиги» ва хужумкорлиги билан ажралиб туради. Гоҳо касаллик симптомлари оддий диарея, энтерит каби қорин оғриғи ва ич суюли кўринишида ҳам зоҳир бўлиши мумкин.

ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНИШ КЕРАК?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти янги корона вирусдан ҳимояланиш учун турли хил тавсияларни ўз ичига олган материаллар нашр қилди. Мазкур тавсияларнинг баъзиларини эътиборин-

гизга ҳавола этамиз:

- ▶ тез-тез кўлингизни спиртли моддалар билан ёки совунлаб ювинг;
- ▶ гавжум бўлган жамоат жойларига боришдан сақланг;
- ▶ ювилмаган қўллар билан кўз, оғиз каби аъзоларга тегинманг;
- ▶ ушбу хасталик учраганлар билан мулоқот қилманг;
- ▶ хом гўшт ёхуд яхшилаб термоишлов берилмаган гўшларни истеъмол қилманг;
- ▶ яшаган жойингиз ва кўп фойдаланадиган ашёларни дезинфекцияловчи воситалар билан тез-тез тозаланг.

Озода РЎЗИҚУЛОВА,

тайёрлагани

ҚЎЛ БЕРИБ САЛОМЛАШМАНГ!



Юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга ўз ҳиссангизни қўшинг.

Фикр

Хитой бу касални енгди, биласизларми, нима учун? Улар билрлашди. Гигиенага қаттиқ риоя қилди. Коронавирус учун қўшимча қурилган шифохона қурган қурувчилар ойлик олишмади.

Келинг, бирлашамиз!

Одамлар коронавирус касаллигига қарши курашиш фондида маблағ ўтказишди, ҳокимиятлар ва ароқ заводи раҳбарлари одамлар эшик тутқичлари ва лифт тутқичларини спирт билан артиб, кейин ушлашлари учун бир литрлик спиртларни уйларга текинга тарқатишди, ЖЭКка ўхшаш идоралар (бизда маҳалла) антисептик воситалар ва спиртларни тарқатишди, текинга эшик олдларига ва лифтлар олдига ҳўл салфеткалар қўйиб қўйишди, никобсиз юрган одамни кўнгиллар тутиб беришди ва жазога тортишди, карантиндаги оилалар уйи олдига 14 кунлаб полиция қоровуллик қилди, кўчаларда машиналар хлорга ўхшаш су-

юқликни тинимсиз машиналарда сепишди. Қисқаси, улар БИРЛАШИШДИ.

Ҳозир водийга текинга талабаларни бир ҳайдовчи олиб кетибди. Қизим докадан 10 та ниқоб тикди ҳозирча, текин тарқатмоқчимиз. Туркияда протип, кейин имбир текин тарқатилмоқда. Келинг, майли, нима топсак профилактика учун одамларга тарқатайлик, БИРЛАШАЙЛИК.

Бир киши ниқоб тақмай ёки тартиб-қоидага бифарқлик қилиб касал бўлса, қанча одамга юқтиради ва ниқоб тақса, олдини олса қанча одамни сақлаб қолади. Сақлаб қолувчи ҳам тарқатувчи ҳам СИЗ ёки МЕН бўлишимиз мумкин.

Барно СУЛТОНОВА



Яхши ташаббус

«Бизда коронавирус нархга таъсир қилмайди!»

Жиззахда ўзига хос ва айни пайтда ажойиб бир челленж бошлашди: «Бизда коронавирус нархга таъсир қилмайди!» Бутун Ўзбекистон синовдан ўтаётган ва бирлашиш вақти келган пайтда озиқ-овқат маҳсулотлари нарх-навоси осмонга сакрагани рост. Лекин Жиззахда эмас.

Жиззахликлар, баракалла!
«Koronavirus Info» телеграм канали

Таклиф

Қадриятлар қўл келади

Бугун барчамиз бирдек, инсонлар учун хавф туғдираётган коронавирус тўғрисида қайғурмоқдамиз.

Бир-биримизни қўллаш учун бирлашамиз ва курашамиз.

Бу балони ҳам барчамиз жипслашган ҳолда, албатта, ҲАЛОЛ ғалаба билан енгамиз. Мен ҳам курашчи сифатида халқимизнинг азалий қадриятларидан бири бўлган ва кураш қоидаларига расман киритилган ТАЪЗИМ қилиб кўришишни барчага таклиф қилмоқчиман.

Бутун дунё курашчилари курашга тушишдан олдин қўл бермасдан 3 метр ораликда таъзим қилиб, кейин курашга тушадилар.

Бугун қўл бериб кўришишда хасталик юқиши эҳтимоли кўплигини инобатга олиб, кураш қоидалари асосида бир-биримизни асрайлик.

Биз ҳам қўл бермасдан, қўлимизни кўксимизга қўйиб таъзим қилиб, дунё курашчилардек кўришайлик.

Бугун халқимизнинг азалий қадриятларини курашчилардек қўллашимиз, фақат яхшиликка олиб келишини давр талаб қилмоқда.

Халқимизнинг азалий қадрияти бизга ҲАЛОЛ ғалаба қилишимизда қўл келса, не ажаб.

Қосимжон РАЗЗОҚОВ

Мавзуга доир:

Интернетдаги хабарларга қараганда, 2020 йил 10 февраль куни коронавирус тарихида энг ёмон кун бўлган. Шу куни Хитойда 108 нафар киши коронавирусдан вафот этган бўлиб, уларнинг барчасининг ёши 60 ёшдан юқори экан.

Бирок... ҳудди шу куни 26 минг 283 киши саратондан,

24 минг 641 киши юрак хуружидан,

4 минг 300 киши қандли диабетдан,

3 минг киши ўз жонига қасд қилишдан вафот этган.

Шунинг учун, азизлар, ўзингизни эҳтиёт қилинг, шахсий гигиенага алоҳида эътибор беринг, қўлларингизни тез-тез совунлаб ювинг. Ортикча ваҳима кўтариб, ўзингиз ва яқинларингизни хавотирга солманг!

Таълим муассасаларида карантин таътили: барча учун муҳим маълумотлар



Коронавирус муносабати билан юртимиздаги таълим муассасаларига таътил берилди. Бу эса, ўз навбатида, кўплаб саволларни келтириб чиқаряпти.

САВОЛ:

– Мактаблар ёпилган бўлса, ўқитувчилар ишга борадилми? Маоши қандай тўланади?



ЖАВОБ:

– Меҳнат кодексининг 219-моддасида ходимнинг ўз ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солаётган ишни бажаришни рад этиш ҳуқуқи таъминланган. Фақат бу ҳақда дарҳол иш берувчига хабар қилиш керак. Иш берувчи бунни текшириб, тасдиқлангач, бартараф этиш чораларини кўриши лозим.



Агар зарур чоралар кўрилмаса, ходим ўзининг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солувчи ҳолатлар бартараф этилгунга қадар тегишли ишни бажаришни рад этишга ҳақлидир. Ана шу давр мобайнида ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади.

САВОЛ:

Чекловчи тадбирлар шароитида иш берувчи масъулияти нималардан иборат?



ЖАВОБ:

Бундай вазиятда иш берувчи: – ишлаб чиқариш ва санитария-маиший биноларга, ходимларнинг меҳнат қилиш, дам олиш тартибига доир санитария ва гигиена нормативларига риоя этиши;



– юқумли ва паразитар касалликлар манбаи бўлган шахсларни вақтинча ишдан четлаштириши; – ходимларнинг ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориши; – ходимга карантин эълон қилинганда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тўлаши; – меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда айбдор ходимларни интизомий жавобгарликка тортиши; – ходимларнинг шахсий ҳимоя воситаларини олиш, сақлаш, дезинфекция қилиш ва зарарсизлантиришни ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириши лозим.

САВОЛ:

Карантин даврида ишдан четлатилган ходимга нафақа тўланадими?



ЖАВОБ:

– Қонунчиликка кўра, агарда ходим карантин вақтида санитария-эпидемиология органлари томонидан атрофдаги шахслар орқали юқумли касалликка чалиниш хавфини олдини олиш мақсадида ишдан четлатилган бўлса, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа берилади.



Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси меҳнатда майиб бўлган ва касб касаллигига чалинганда иш ҳақининг тўлиқ миқдорига, бошқа ҳолларда эса иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизгача миқдорда тўланади.

Бундай нафақанинг энг кам миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (679 минг 330 сўм)нинг 35,2 фоизидан, яъни 239 минг 124 сўмдан оз бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақи миқдоридан ортиб кетмаслиги лозим.

САВОЛ:

– Боғчада карантин бўлганда ота-она ишдан озод қилинадими?



ЖАВОБ:

– Қонунчиликка кўра, боғчада ёки б ёшга тўлмаган болага ўрнатилган карантин даврида болага қараш учун ота-онасидан бирига ёки оиланинг бошқа аъзосига тегишли санитария-эпидемиология органлари томонидан карантин белгиланган, лекин 14 календарь кунидан ошмаган муддатга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади.



Карантинда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва соғлиқни сақлаш бошқармаларининг руҳсати асосида эпидемиолог ёки санитария врачлари бериши мумкин.

«Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт» бўлими

